

# O'ZBEKISTON



# OVOZI

IJTIMOIIY-  
SIYOSIIY  
GAZETA

• 2005-yil • 19-aprel • Seshanba • 49 (27.384) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.



## ТОШКЕНТ МАРКАЗИДАГИ БОҒЛАР

Мамлакатлар пойтахтлардан бошланади. Бош шаҳарлардаги бош майдонлар давлат, миллат шаъни каби улуғланади. Ўзбекистонимиз юраги бўлган Тошкент, Мустақиллик майдони халқимиз учун боқий рамзлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси пойтахти истиқлол йилларида мисли кўрилмаган даражада чирой очди. Тошкент нафақат Марказий Осиё, балки бутун Шарқнинг чинакам гавҳарига айланди.

Президентимиз Ислон Каримов ўз нуктаидан бирида шундай деган эди: «...одамлар истиқомат қиладиган ҳар қайси жойда — у шаҳар бўлади, туман маркази, қишлоқ ёки овул бўлади — чакалок дунёга келиши билан унинг ота-онаси ўз яқинлари, ёру биродарлари билан биргаликда, шу жойларнинг энг кўзга кўринган, алоҳида ажратилган ерида, унумли

тупроқда шу бегубор гўдакка атаб яхши ният билан, орзу-умид билан дарахт экса.

Агар бу тadbир халқимизнинг одатига айланса, у рамзий маъно касб этиб, ҳар бир экилган дарахт ҳаёт абадийлигининг тимсоли бўлиб қолади...

Мана шу ёруғ ниятларнинг ижобати бўлиб бугун бутун мамлакатимиз боғу бўстонларга айланмоқда. Бу эзгу

амаллар пойтахтда юз бераётган ўзгаришларда кўзга яққол ташланади. Турли бетон плиталар ётқизилган, қой-қора қилиб асфальтланган ташланган майдонлар, шаҳар марказида уланмасдан қурилган ишлаб чиқариш корхонаси, режасиз тикланган баланд иморатлардан бўғилаётган Мустақиллик майдонида ҳам эндиликда гўзал арчалар, анвоий гуллар, манзарали дарахтлар ўтқазилди, ҳаёт нафаси бахш этилди.

Халқимиз табиатида йирок, бир пайтлар қурилган, кўпол, беўшхов бинолар, йўллар, майдонлардан воз келиб, уларнинг ўрни боғларга бўшатиб берилиши халқимиз кайфиятини, руҳиятини кўтариб юборди. Бу ишларнинг барчаси Юртбошимиз ташаббуси ва таклифлари асосида бўлаётганини халқимиз кўриб, билиб турибди.

Президентимиз 15 апрель кунини пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишган мутасадди раҳбарлар ҳамда мутахассисларга зарур кўшимча маслаҳатлар, кўрсатма ва топшириқлар бердилар. Ушбу ҳаракатлар қандай хайрли мақсадларга қаратилганини мамлакатимиз раҳбарининг мана бу сўзлари яна бир марта аниқлаб турибди:

«Пойтахтимизни дунёнинг энг гўзал шаҳарларига хос тарзда қайта бунёд этишимиз керак. Унда ҳамшаҳарларимиз, пойтахтимиз меҳмонлари яшashi ва ҳордик

чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратилмоғи даркор».

Миллий меъморчилигимизнинг энг гўзал намуналари бўлган осмонўпар бинолар, муҳташам меҳмонхоналар, йўлларимиз белбоғига айланган кўприклар, кенг-равон кўчалар, ойдун орзуларимиз каби кўкка интилаётган фаворалар қаторида бугун Тошкентнинг қоқ марказида боғлар барпо этила бошланди. Ҳа, боғларни айлансанг, тирлик абадий эканлигига яна бир марта иймон келтирасан. Яшашга, бунёд этишга, яратишга бўлган ишонч, эътиқоднинг ортади.

Шаҳримизнинг Шароф Рашидов, Шевченко, Мовароуннахр кўчалари кесишадиган қисмларида ободонлаштириш ишлари бошланди. Ўзбекистон, Шароф Рашидов кўчалари туташган чорраҳадан транспортлар тўхтамай ўтиши таъминланади. Пиёдаларга қулайлик яратиш мақсадида ерости йўллари қурилади. Шимолий вокзалга олиб борадиган Шевченко кўчаси ва унга туташиб кетган хибобларни кенгайтириш лойиҳалари яратилди. Марказий универсал магазини билан «Мовий гўмба» чойхонаси ўртасидаги йўл торлиги, сершовкчилик, ҳаракатланish ноқулайлиги билан йўловчиларга ҳамда транспорт воситасини бошқаришда қийинчиликлар туғдирарди. Эндиликда бу кўча ўрнида унга туташ хибобга қўшилиб кетадиган яқин боғ яратилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, авлодларга овоз ва обод Ватан қолдирайлик, деган ҳикмат замирида буюқ ҳақиқатлар мужассамлашгани вақтнинг ўзи кўрсатмоқда. Юртбошимиз ибораси билан такрор этганда, ҳар бир экилган дарахт ҳаётимиз, мустақиллигимиз абадийлигининг тимсоли бўлиб қолади.

**Фаррух ҲАМРОЕВ**  
Суратларда: бунёдкорлик ишларидан лавҳалар.  
Суратлар муаллифи Шавкат АҚРАМОВ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 18 апрель кунини Оқсаройда Грузия Бош вазири Зураб Ногаиделини қабул қилди

Учрашувда ўзаро алоқаларимиз тарихий дўстлик ва аънавий ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланиб бораётгани таъкидланди. Мамлакатларимиз сиёсий, савдо-иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтириш, шунингдек, талай халқаро масалалар борасида ҳамфикрдир.

Савдо-иқтисодий алоқалар жадал ривожланмоқда. 2004 йилда ўзаро савдо ҳажми олдинги йилга нисбатан икки баравардан зиёд кўпайди. Мамлакатимиздан Грузияга озиқ-овқат ва нефтни қайта ишлаш саноати маҳсулотларининг экспорти ошиб бормоқда. Грузиянинг Поти бандаргоҳи Ўзбекистон товарларини дунё бозорига чиқаришда муҳим ўрин тутади.

Ҳамкорлик бўйича ҳуқуқлараро қўшма комиссия қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, савдо ваколатхоналари ва савдо

уйлари очиш, лизинг ва консигнация асосидаги ҳамкорликни қарор топтириш масалаларини ўрганмоқда.

Президент Ислон Каримов икки томонлама алоқалар қўламини янада кенгайтириш учун Ўзбекистон ва Грузияда улкан имкониятлар мавжудлигини таъкидлади. Бу имкониятларни тўла ишга солиш борасидаги фикрларини баён қилди.

З.Ногаидели самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирар экан, Грузия Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан маънафаддор эканлигини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда мавжуд имкониятларни кенгроқ ишга солишга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган айрим халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISINING QONUNCHILIK PALATASIDA

18 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Қонунчилик палатасининг Спикери Эркин Халилов бошқарди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритиш учун тавсия этилаётган масала-

ларга оид таклифларни кўриб чиқди. Йиғилишда Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари М.Сафоева, Бюджет ва иқтисодий ислотхотлар қўмитаси раиси А.Аҳадов, Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари қўмитаси раиси

А.Саидов таклиф этилаётган масалалар юзасидан ахборот берди. Мазкур масалаларни Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритишни тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши ўз ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

(ЎзА)

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISINI SENATIDA

18 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси М.Шарифхўжаев олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлисини 2005 йил 6 май кунини Тошкент шаҳрида қақриши тўғрисида қарор қабул қилди. Ялпи мажлис муҳокамаига Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенатининг Муваққат регламентини тасдиқлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмиталарини сайлаш тўғрисидаги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қўмиталарини сайлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳўқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2004 йилги фаолияти тўғрисидаги масалалар киритилмоқда.

Ушбу масалалар билан бир қаторда сенаторлар муҳокамаига Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлисига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.Мухитдинова бошчилигида ишчи гуруҳ тузилди.

(ЎзА)

## Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан

### ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

2005 йил 18 апрель кунини Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда депутатлар «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг жорий йилга ва 2005-2009 йилларга мўлжалланган қонунчилик фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисидаги масалалар ҳамда «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги тақрири лойиҳаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги масалаларни муҳокама этдилар.

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси

публикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги масала юзасидан фракция аъзоси Фахритдин Ражабов, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги тақрири лойиҳаси бўйича депутат Ҳамидулла Назаров ахборот бердилар ва қонун лойиҳасига фракция номидан киритилаётган таклифларни тушунтирдилар.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан фракция нуктаи назари ишлаб чиқилди. Қонунлар лойиҳаларига киритиладиган ўзгартишлар юзасидан билдирилган таклифлар, мулоҳазалар жамланиб, сараланди ва бу ҳақда фракция номидан Қонунчилик палатаси йиғилишида сўзга чиқиш учун белгиланган депутатларга топширилди.


Йиғилишда фракция фаолиятига боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати



## «АЛПОМИШ» ДУНЁ АЛПЛАРИНИ ЧОРЛАМОҚДА

23-24 апрель кунлари Термиздаги «Алпомиш» ўйингоҳида кураш бўйича Ўзбекистон Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган VII халқаро турнир бўлиб ўтади.



Кураш Халқаро ассоциациясидан олинган маълумотларга қараганда, бу йилги халқаро турнирда дунёнинг йигирмадан орттиқ давлатидан энг кучли кураш-

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 19 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*

1 Австралия доллари	829,61	1 Малайзия рингити	285,57	1 ЕВРО	1398,06
1 Англия фунт стерлинги	2049,51	1 Польша злотийси	337,61	10 Жанубий Корея вони	10,61
1 Дания кронаси	187,62	1 СДР	1630,70	10 Япония иенаси	100,50
1 БАА дирхами	295,42	1 Туркия лираси	795,48	1 Россия рубли	38,89
1 АҚШ доллари	1085,03	1 Швейцария франки	902,46	1 Украина гривнаси	206,44
1 Миср фунти	187,56				
1 Исландия кронаси	17,26				
1 Канада доллари	869,69				
1 Хитой юани	131,10				

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

нарато (100 кг.), туркиялик Бэйкир Эрхон (+100 кг.), эронлик Майсан Али Бейки (135 кг.), жанубий корейлик Бюнк Жин Кант (150 кг.) сингари дондор полвонлар бор. Мусобақада Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан бир нафардан курашчи фойлибк учун гиламга тушади. Мукофот жамғармаси 20000 АҚШ долларини ташкил қилувчи ушбу нуфузли мусобақа аввалгиларидан фарқли ўлароқ, бу гал фақат мутлақ вазн тоифасида ўтказилади.

2003 йилда «Алпомиш» стадионида ўшатирилган VI халқаро турнирнинг мутлақ вазн тоифаси финал беллашувида ҳамюртимиз Абдулла Тангриев ҳамда туркиялик номдор полвон Селим Татар ўгли гиламга чиққанди. Барчани ҳаяжонга солган мазкур ҳал қилувчи учрашувда Абдулла полвон очколар ҳис-



Суратда: фракция ишидан лавҳа. Шавкат АҚРАМОВ олган сурат

**TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI**  
MULKDORGA HANKORI  
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74  
WWW.tsbm.uz E-mail: info@tsbmn.uz va Birja@mail.tps.uz  
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari  
**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI  
Хизматлар лицензияланган

**ALQABANK** —  
aniq, tez, ishonchli!  
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04  
WWW.alqabank.uz E-mail: info@alqabank.uz  
Хизматлар лицензияланган



**Огоҳлик — давр талаби**

террорчилик фаолияти батамом йўқ қилишга имкон бермапти.

Узбекистоннинг позицияси шундан иборатки, Афғонистон ҳудудидан терроризм таҳдиди тарқалишига қарши чоралар кўриши масаласи ушбу мамлакатни қайта тиклаш ҳаракати билан чамбарчас боғлиқ.

Юқорида айтилганидек ҳамон Афғонистонда вазият чигал. «Толибон» ва «Ал-Қоид»

Мутахассисларнинг кўзи ташқи қараганда, дунёда терроризмни молиялаштириш манбалари кўпайди. Наркобизнес, қимматбаҳо тошлар ва металллар савдоси, одам ўғирлаш ва одамлар билан савдо қилиш, юқори технологиялар билан қаллоблик қилиш, қалбаки пул ишлаб чиқиш, товламачилик, фирибгарлик ва бошқалар.

ларига кўра 2003 йилда бу ҳудудда 3600 тонна опий тайёрланган. Бу эса 2002 йилга нисбатан 6% кўп демакдир.

Бироқ, терроризм таҳдиди батамом бартараф этилди дейишга ҳали эрта. Чунки Афғонистонда бекарор ижтимоий, сиёсий ва ҳарбий вазият сақланиб қолмоқда.

қурашни янада кучайтириш, янги Афғонистон иқтисодийнинг яратиш бўйича ишларни, тиклаш дастурини тезроқ амалга оширишда эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Маълумки, 2003 йил август ойидан буён Афғонистонда хавфсизликка кўмаклашувчи кучлар устидан кўмондонлик НАТОга топширилган.

# ТЕРРОРИЗМ ТАҲДИДИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ

(ИККИНЧИ МАҚОЛА)

сан бундай савдодан топилган даромаднинг катта қисми қурол-ярроғ сотиб олишга сарфланади ва шу орқали террорчилик фаолияти таъминланади.

рашмоқда. Ҳаттоки, БМТнинг Афғонистонда тинчликпарвар, хавфсизликка кўмаклашувчи кучлари жойлаштирилганига қарамай биродарқушиқ тўқнашулар ҳамон давом этиб келмоқда.

тинчликни сақлаш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича етарли иқтисодий, ҳарбий, илмий ва бошқа имкониятлари мавжуд бўлган ягона халқаро ташкилотдир. НАТОнинг таркибий кенгайиши ҳамда халқаро терроризмга қарши кураш мақсадлари ушбу Альянсининг масъулият маконини Евроатлантика ҳудудидан ташқарига кенгайтириши тақозо этиди.

да деярли барча Марказий Осиё давлатлари қатнашмоқда. Бу мамлакатни қайта тиклашда Афғонистон ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Қўшни афғон халқига катта миқдорда инсонпарварлик ёрдами кўрсатишмоқда.

лайди. Узбекистон Афғонистон орқали жанубий денгиз портлари томон йўл очиб ва нефть-газ қувурларини ўтказишни ўзининг стратегик манфаати деб ҳисоблайди.

да» қолдиқлари халигача таҳдид солмоқда. Улар ҳукумат ва коалиция кучларига, шунингдек халқаро ташкилотлар вакилларига қарши хужумлар уюштириб турибди.

Фарҳод ТОЛИПОВ, сиёсий фанлар номзоди



### Фаластин ҳамкорликка тайёр

Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос Ҳазо минтақасидан Исроил ҳарбийлари ва яқудийларнинг турар-жойларини кўчириш бўйича қарорларни мувофиқлаштириш кераклигини маълум қилди.

### Гаровдагилар озод этилди


Ироқда суннийлар томонидан гаровга олинган 15 нафар шиита мазҳабига мансуб оила озод этилди.

### «НУРАЛИ» ДОСТИНИ — ФРАНЦУЗ ТИЛИДА

Бахшилар томонидан асрлар давомида қуйлаб келинган «Алломиш», «Гурӯғи», «Кунтумуш», «Ошиқ Фароб» ва Шохсанам сингари айнавий достонлар миллий тафаккуримиз тараққиётида ғоят муҳим ўринни эгаллайди.

**Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида уруғчилик ва селекция соҳаларини ривожлантириш, фермерчилик ҳаракати механизмни янада такомиллаштириш, экин майдонлари агротехникасини сақлаш ва ур-ундорлигини бойитиб бериш бўйича ибратли ишлар амалга оширилмоқда.**

Куйда институтнинг селекция ва уруғчилик кафедраси профессори, Узбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, академик Д.Абдукаримов ва агрономия ҳамда тупроқшунослик кафедраси мудири, профессор Ф.ҲОШИМОВнинг эриштирилган мушоҳиралар, изланишлар ва муаммолар ҳақидаги мушоҳиралари билан танишасиз.



камайтиришга эришяпмиз ҳам. Масалан, 2003 йилда четдан 4000 тонна уруғ келтирилган. 2004 йилда бу кўрсаткич статистика ҳисоботларида умуман намоён бўлмади.

## 25 ЙИЛНИНГ 25 КАШФИЁТИ

Охириги 25 йил давомида техника тараққиёти ҳаётимиз ва муносабатларимизни тубдан ўзгартириб юборди. Лекин, бирор-бир кашфиёт Интернетга қадар муҳимроқ таъсир қилмаган. CNN телеканал тақлифи қўра, 25 та энг буюк кашфиёт рўйхатини тўзиш учун йилнинг асосий экспертлар айнан шу ҳулосага келишди.

нинг «хамроҳи»га айланган вирус ва спам (хераксиз реклама ва хабар)лар ҳам такомиллашиб бормоқда. Интернет янги пайдо бўлган даврда у зарарқонданлардан ҳоли ҳудудга ўхшарди. Аммо хозирга келиб фойдаланувчилар интернетга уланган компьютерининг ишдан чиқара оладиган ёки шахсий маълумотининг илтифатли имкониятини тугдирувчи дастурлар дастидан азият чекишмоқда.

Ҳаётимизни ўзгартириб юборган янгиликларнинг асосий қисми илмий лабораторияларда кашф этилиши нир эмас, албатта. Олимлار кўпгина организмларнинг генетик коди калитини топишга муваффақ бўлишди.

## ФАН, ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

**Диамат АБДУКАРИМОВ:** — Фермер хўжалиқлари эндиликда эл дастурхонини тўқин, ҳаётимизни фаровон этиш йўлида қишлоқ хўжалик махсус-лотлари этиштирилган асосий хўжалик субъектлари бўлиб қолди.

йўлга қўйиш борасида муайян ишлар қилишган-у аммо хануз уруғлик қартовчилик четдан валюта ҳисобига келтириш давом этапти. Институт жамоаси бу борда қандай ишлар олиб боришмоқда?

ташқил этди ва малакали, ихтисослашган мутахассислар тайёрлашга киришди. — Иختисослашган хўжаликлар қандай мезонларга кўра танланган?

1. Симсиз ахборот узатиш технологиялари;
2. Мудрофаа соҳаси технологиялари;
3. Мўқбил технологиялари;
4. Биотехнологиялар;
5. Компьютерлар;
6. Лазер;
7. Геном;
8. Глобал молиялаш соҳаси;
9. Процессорлар;
10. Рақамли ускуналар;
11. Коинот технологиялари;
12. Оптик-толали технологиялар;
13. Сунъий йўлдош асосидаги радио ва телевидение;
14. ДНК таҳлили;
15. Видеоўйинлар;
16. Биометрика;
17. Энергия ва сув билан таъминловчи технологиялар;
18. Сканер қилувчи микроскоп;
19. Батареячелар;
20. Спамга қарши курашиш технологиялари;
21. Масофовий бошқариш технологиялари;
22. Хайвонларни клонлаш;
23. Компьютер асосида моделлаштириш технологияси;
24. Катта диагоналли экранлар;
25. Об-ҳавони кузатиш ва баҳорат қилиш технологияси.

Хуришд РАУПОВ тайёрлади

### ЦЗО ИЧКИЛИКДАН ВОЗ КЕЧДИ

IBF йўналиши бўйича жаҳон чемпиони, моҳир боксчи Константин Цзо профессионал спортчи сифатида биринчи марта навбатдаги жағдан етти ҳафта илгари ҳар қандай спиртли ичкиликлардан воз кенмоқчи эканини маълум қилди.



Институтимиз олимлари дастлаб хантал, рапс, перко, жавдар, беда каби оралик экинлар моҳиятидан келиб чиқиб, уларни экин, парваришлаш ва юқори ҳосил олиш технологиясини ҳузур ўрганиб чиқдилар.

Мухим шундаки, куз, қиш ва эрта баҳорда гектарига 30-40 тоннагача кўк масса олиш мумкин.

— Олимлار қартовча навлари уруғчилигини ҳам

### КЛИЧКО ТАЙСОН БИЛАН УЧРАШМОҚЧИ

23 апрель кунини Дортмунд шахрида кубалик Элисео Кастильо билан жағда украиналик Владимир Кличко галаба қозонгудек бўлса, навбатдаги учрашуни Майк Тайсон билан ўтказар экан.

Санъаткор билан учрашув

«ВАТАНИМ, КОРИНГГА ЯРАСАМ ДЕЙМАН...»

Дунёда ижодкор учун ҳеч қачон эскирмайдиган, ҳар гал янги-янги қирралари кашф этиладиган мангу мавзулар бор. Муҳими, улар востасида халқнинг кўнглига тўғридан-тўғри кириб борилади. Мана шундай боқий мавзулардан бири — Она Ватандир. Хоразм ижрочилиги услубида куйлаб келадиган истебодли санъаткор Гулимнат Собиров ижоднинг бош мавзуси ҳам Она Ватанини мадҳ этиши. Биз санъаткор билан «Туркистон» саройида намойиш этиладиган илк концерт дастури олдидан суҳбатлашдик.



— Ҳар бир кўшиқчининг кўнглига тугиб кўйган эзгуниги бўлади. Муҳлислар билан учрашув бунинг ижобатидир. Эртага бошланган концертнинг олдидан нималар ҳақида ўйлаясиз? — Тугилиб ўсган диёрга муносиб фарзанд бўлиш учун ҳар бир инсон кўлидан келганга ҳаракат қилади. Юртини мадҳ этиш, унинг қорига яраш эса ҳар биримизнинг кўнглимиздаги энг юксак оруздир. Мен анча йиллардан буён Ватан мавзусида куйлаб келаман.

Ватан ҳеч қандай кўшиққа сиймайди, ҳеч бир овоз унинг мадҳи учун етмайди. Ватан ҳақидаги кўшиқлар замирида халқнинг кўнглидаги орузларига қанот бағишлаш, уни янги-янги режалар сари ундаш, қолаверса, ёшлар қалбиде юртсеварлик туйғуларини уйғотиш мақсадлари муҳимдир. Хозирги пайтда ижод қилиб келадиган элга машҳур ҳофизларнинг репертуарида Ватан мавзусидаги кўшиқлар алҳида ўрин тутди. Мен ҳам устозлар изидан бориб, Комилхон Ота-

ниёзов номидаги «Лазги» ансамблида юрт мадҳига бағишланган кўшиқлар яратиш йўлида изланиб келаяман. Худо хоҳласа эртага бўладиган концерт мен учун муҳим синов бўлади. — Қайси санъаткорлар билан ижодий ҳамкорлик қиласиз? Кўшиқ яратилишида қайси талабаларга аҳамият берасиз? — Санъатга кириб келган хонанда учун ижодий ҳамкорлик масаласи муҳим аҳамият касб этади. Негаки, у ижодкорнинг келгусидаги йўналишини белги-

лайди. Бундан бир неча йиллар олдин таниқли ҳофизлар билан бирга виллоятларда концерт кўйганимизда, уларнинг чиқишларини халқимиз кўтаринки руҳда қарши олганига гувоҳ бўлганман.

Бугун кўшиқчиликда Хоразм ижрочилиги аъёнларини давом эттириб келадиган бу ҳофизларнинг маҳоратлари кўпчилик ёшларга ўрнак бўлмоқда. Узим эса мумтоз маколарни Комилхон Отаиёзов бошлаб берган аъёнлар билан бирга Ўзбекистон халқ артистлари Ортки Отажонов, Раҳматжон Қурбоновларнинг ижро йўлларини ўрганмоқдаман.

— Концерт дастурига тайёргарлик қандай бўлди? Муҳлисларингизни қайси кўшиқларингиз билан хушнуд этмоқчисиз?

— Яқинда шоир Аҳмад Хўжаининг Ватан ҳақидаги гўзал шеърини ўқиб қолдим. Шу шеърни устозим Ортки Отажонов кўмаги билан кўшиқ қилишга эришдик. Унинг номидан келиб чиқиб, дастурни ҳам «Ватаним, корингга ярасам дейман...» деб номладик.

Концертда мумтоз ашуларлар, мақом ижролари, қолаверса, ёшларимиз севиб тинглайдиган эстрада жанридаги шўх кўшиқларни ҳам куйламоқчиман. Бундан ташқари, дастурга Ортки Отажонов, Феруза Солиқова, Гулсара Ёқубова, Отамурод Бекжонов ҳамда «Лазги» ансамбли рақосаларини ҳам тақлиф қилганмиз. Фурсатдан фойдаланиб, санъат муҳлисларига айтмоқчиманки, агар улар концертимизга таширф буюрса янги кўшиқларимизнинг биринчи тингловчиси бўлишди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ суҳбатлашди.

Хотира

ЭЗГУ ИШЛАР УНУТИЛМАЙДИ

Инсон ҳаётини оқар сувга ментгайдилар. Аммо унинг қадри — ким қандай яшаб ўтганлигига боғлиқ. Ҳалол яшаб, одамларга нафи теккан, хайрли, савоб амалларни қилган киши ҳурмат-эҳтиром билан хотирланади.

Қақшадарё воҳасида кўпчилик таниган Номоз Сариков ана шундай инсонлардан. Унинг ҳаёти даладашларда, чўлу биёбонларда кечди. У Уртачўл кўлида кўпчилик ҳўжаликлардан бири — «Ўзбекистон» наслчилик жамоасида зоотехник бўлиб меҳнат фаолиятини бошлаган кезлардан оқиб, дастурни ҳам «Ватаним, корингга ярасам дейман...» деб номладик.

— Яқинда мумтоз ашуларлар, мақом ижролари, қолаверса, ёшларимиз севиб тинглайдиган эстрада жанридаги шўх кўшиқларни ҳам куйламоқчиман. Бундан ташқари, дастурга Ортки Отажонов, Феруза Солиқова, Гулсара Ёқубова, Отамурод Бекжонов ҳамда «Лазги» ансамбли рақосаларини ҳам тақлиф қилганмиз. Фурсатдан фойдаланиб, санъат муҳлисларига айтмоқчиманки, агар улар концертимизга таширф буюрса янги кўшиқларимизнинг биринчи тингловчиси бўлишди.

енгиллашди, ҳўжаликнинг ярим юқини шу йигит кўтарди, деган ҳаялга бордим. Ростини айтсам, адашмаган эканман. Чакқон ва уддубонроғлиги, билимлиги, бурчин теран англаши билан мени хайратга солди. Қўй-қўзилар, чорвадорлар макони бўлган Помўк яйловлари, чўпон-чўликлар кўши унинг манзилга айланди. Тез орада Номоз яйлов ҳаётига сингиб кетди.

Оқсоқолнинг айтганича бор. Уни ҳўжалик идорасидан топиш қийин эди. Қидирганлар гоҳ Аланг, гоҳида Зеварда ва бошқа яйловларда унга дуч келишарди. Умрининг кўп қисми чўпон-чўликлар қуршовида, биёбон далада ўтди. 1973 йилдан бошлаб у «Муборақ» наслчилик ҳўжалиги директори бўлиб иш бошлади. Номоз ака шу ерда товланди, тажриба орттирди. Ҳўжалик ҳаётида ҳам кўп ўзгаришлар бўлди.

Пўлат оловда, одам меҳнатда товланди, деган ҳикмат бежизга айтилмаган. Уз меҳнати билан кўпчилик ҳўрмадини қозонган Сариков кейинчалик «Муборақ»дек бақувват жамоани шоғирдларидан бирига топшириб, ўзи Касби туманидаги Улуғбек номли ҳўжалигига раҳбар этиб тайинланди. У ҳўжаликнинг қабул қилган кундан бош-



лаб, елиб-юғурди. Тadbirkorлиги тез орада самара бера бошлади... Шу сингари жонқуярлиги боис Номоз Сариков Республикада хизмат кўрсатган чорвадор ҳамда қишлоқ ҳўжалиги ходими унвонлари билан тақдирланди. Мазкур ҳўжаликдаги ўн тўрт йиллик меҳнатидан сўнг — 1992 йилда кўпчилик оқсоқолларнинг хайрихоҳлиги остида у Касби тумани ҳўқими этиб тайинланди. Номоз Сариков бу лавозимда ҳам имконияти даражасида ҳаракат қилди. Муомала маданияти, ишбилармонлиги тўғрисида халқ ишончига сазовор бўлди. У умрининг охиригача одамлар орасида бўлди, улар билан ҳамнаоф, ҳамдард яшайди. Эл эсласа ариғулик ишларни қилди...

Марҳум Номоз ақанинг фарзандлари қўлимга бир дафтар тутқазди. Унда оқсоқол баъзи-баъзида кўнглидан кечган мулоҳазаларни қайд этган экан. Қайси бир нуқтада мана шундай битилар бор: «Интилганга толе ёр, деб бежиз айтмаганлар. Нимаки ютуқларга эришган бўлсам, меҳнатим, интилимим боис эришдим. Мен умрим давомида одамлар юзига тақ қарагани ўргандим. Юзнинг ёруғлиги катта бахт экан...»

Исмом АМИРҚУЛОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

БИР-БИРИГА ЎХШАМАГАН ЎЙИНЛАР

Футбол бўйича Ўзбекистон XIV миллий чемпионати олий лигасида учинчи тур баҳслари нихоясига етди



Турнинг марказий ўйини Наманганда «Навбахор» — «Нефтчи» жамоалари ўртасида ўтказилди. Фарғоналиклардан Санжар Асқаралиев ҳамда Мансур Саидовларнинг майдондан четлатилганлиги учрашувнинг анча асабий руҳда кечганлигини кўрсатиб турибди. Ўйиннинг сўнгги дақиқаларида Тохир Мадрохимов томонидан киритилган ягона тўп «Навбахор»га уч очко келтирди — 1:0.

футболчилари учун эртага Саудия Арабистонининг «Ал-Аҳли» жамоаси билан бўладиган Осиё чемпионлари лигаси баҳси олдидан муҳим тайёргарлик вазифасини ўтади. Турнинг яна бир йирик ҳисоби Муборақда «Машъал» — «Сўғдиёна» ўйинида қайд этилди — 5:1. Ушбу баҳсда мезбонлар ўйинчиси Рустам Қодиров «хет-трик»ка эришди.

Қолган учрашувлар қуйидагича яқунланди: «Насаф» — «Бухоро» — 2:1, «Қизилқум» — «Локомотив» — 1:1, «Металлург» — «Самарқанд-Д» — 1:1, «Шўртан» — «Трактор» — 0:2. 4-тур ўйинлари 24-25 апрель кунлари бўлиб ўтади.

РАҚИБЛАР АНИҚ

Ўзбекистон футбол федерациясида мамлакат кубоги 1/8 финал баҳсларига қуръа ташланди. Унга кўра, мазкур босқичда қуйидаги жамоалар ўзаро куч синашди: «Машъал» — «Андижон», «НВУ-Осиё» — «Нефтчи», «Локомотив» — «Сурхон», «Сўғдиёна» — «Навбахор», «Насаф» — «Қизилқум», «Шўртан» — «Бухоро», «Самарқанд-Д» — «Трактор». Дастлабки ўйинлар 27-28 май кунлари ўтказилади. Жавоб учрашувлари эса 4 июнь кунига белгиланган.

ҚЎШНИМИНГ ТОВУҒИ

Кенг, кўркам, сув шарқираб оқиб турган ҳашаматли ҳовли. Унинг эгаси, ориқдан келган Абдурахим шинам чиройли кровадта ўтириб, ўзича ўйларди: ҳаёт қандай гўзал, айниқса, вақтли туриб иккита тухумни илтиби ютсанг. Ҳўп ақойиб шоирнома кўшним борда, гаражда товук боқди. Шундай баервоки, ҳатто товуклари қаерга ва қанча тухум қилишини сурштирмайди ҳам.

Кўшнимнинг товуклари шундай гараждан чиқиб, донлашди-ю тухумини бизнинг сим тўсиқ ортига қўяди. Товукларнинг жуда яши одади бор, тухум қилдимди ўша заҳоти «Бола тугдими боши йўқ, кўзи олтин, қоши йўқ» деб «жавраши» билан, аханг қарагай бораман ва уни олиб, озорқ иситаману ютиб юбораман. Текин бўлгани учун таним роҳат қилди. Яшанг кўшним, кўшним бўлса шундай бўлса. Худого шукур, пулим йўқ эмас, хоҳласа бутун бошли товук фирмасини сотиб олишим мумкин. Аммо, текин — текин-да. Текин таом танини «тоза» қилади, дегани шу-да.

Кўшнимнинг шинамгина ҳовлиси. Отадулла шоир кроватда чой ичиб ўтирибди. Қўлидаги янги ёзилган шеърини кўздан кечириб туриб, ивирисиб юрган Ибодуллани чақириб шеърни қайта кўчиргани бера туриб: — Ибодулла, ҳали бир гап айтмоқчи эдингми? — деб сўради. — Ҳа, Отадулла ака, анови кўшнимиз ҳақида. — Кўшнимиз ҳақида? Нима кўшнимиз, нима гап тинчликми? — Тинчлик, тинчлик. Товукларимиз кўшним билан бизнинг ўртамаздаги сим девол тағида тухум қўяди. Кўзатиб турсам, товукимиз тухум қўйиши билан кўшнимиз Абдурахим ака сетка очиб қўйилган жойдан тухумни олади ва... — Эй, Ибодулла бир иш қилгин, уч-тўрт кун товукларни чиқармай қўй. Қани қурайлик, нима бўларкин. — Ҳўп бўлади Отадулла ака, шундай қиламиз. Абдурахим ҳовлисида хаёл сураётганиди: «Кўшнимнинг товуклари кўринмай қолди. Нима

Мозори-Шариф шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан Афғонистон Ислому Республикасига беғараз ёрдам сифатида 60 минг дона мевали ва манзарали дарахт кўчатлари топширилди.

КОБУЛДА ОЛМА ГУЛЛАЙДИ

Гуманитар юкни топшириш маросимида Афғонистон қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари бош бошқармаси бошлиғи Ҳабибулла Ҳабиб кўрсатилган ёрдам учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистондан келтирилган кўчатлар афғон заминини гуллар-яшнашига улўш қўйишини таъкидлади. У.Ҳабиб йиғилганларга Афғонистон ҳукумати қарорига биноан кўчатларнинг ярами 5 минг донадан Фарёб, Жоузжон, Сари-Пул, Балх, Саманган, Кундуз вилоятларига тарқатилиши, қолган ярами билан эса Кобул шаҳри марказий кўчалари кўкаламзорлаштирилишини хабар қилди.

«Жаҳон» АА

АЁЛ МАДҲИ

Мамлакатимизда хотин-қизларни жамиятнинг фаол иштирокчисига айлантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, бир сўз билан айтганда, аёллар муаммоларини ҳал этишга эътибор кучайтирилмоқда.

Яқинда Навоий вилоятида хотин-қизлар кўмитаси, «Мавнавият ва маърифат» марказининг вилоят бўлими, Навоий давлат педагогика институтини ҳамда Ўрта махсус касб-ҳўнар таълими бошқармаси ҳамкорлигида «Қадри баландлаб бораётган овоз оғузи» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Унда вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси М.Ибрагимова, НДПИ ректори И.Ибрагимов, Навоий шаҳар бош имом-хатиби Ф.Тошев, вилоят ҳўқимлиги бош мутахассиси М.Адилова-лар сўзга чиқиб, хотин-қизларнинг оиладаги мураббийлик ва тарбиячилик фаизлатлари, меҳнат жамоаларидаги гайрат-шижоати, мамлакатда тинчликни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни комил инсон қилиб тарбиялаш борасидаги хизматлари ҳақида атрофлича фикр юритишди. Фидойи опа-сингилларимиз шаънига илик сўзлар айтилди.

Тadbirkor талабалар томонидан намойиш этилган сахна кўринишлари қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Фуркат ЙЎЛДОШЕВ, «Мавнавият ва маърифат» маркази Навоий вилоят бўлими раҳбари

Table with 4 columns: Nomlanishi, AKTIV, Nomlanishi, PASSIV. Rows include Asosiy vositalar, Ekrani, Koldiq qilmatlari, etc.

Table with 3 columns: Kўrsatkichlar, Urtan yilning shu davrida, Xisobot davrida. Rows include Muxsulot, Sotilgan muxsulot, Davr xarajatlari, etc.

Баланс ва молиявий кўрсаткичлар ҳақиқийлигини «DUNYO-AUDIT» МЧЖ аудиторлик фирмаси тасдиқлаган.

ОАО «ТЕМИРҲОЛТА»

Информация о существенном факте. Порядок номер сообщения №07. Наблюдательный совет ОАО «ТЕМИРҲОЛТА» сообщает о проведении годового общего собрания акционеров, которое состоится 20 мая 2005г. в 11 часов по адресу: г.Ташкент, Сергеевский район, ул.Проектная, Г-24.

Advertisement for BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, TAHRIR HAY ATI, Abdulla OROPOV, Ashur QODIROV, Olim ALIMOV, Habib SA'DULLA, Farruh HAMROYEV, Alimqul SULTONOV, Andrey ORLOV, Norbobo SHAKOROV, To'lepbergen QAIPBERGENOV, Muslihidin MUHIDDINOV, MUHAMMADOV, Abdug'ani MAMASODIQOV, MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI, BO' LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot, Ma'naviyat va ma'rifati, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Parlament va huquq, Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik, Xatlar va ommaviy ishlar, Reklama va e'lonlar, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Ferg'onada, Termizda, MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Advertisement for Xizmatli sўzlar ma'nosini, ELDAN OSHMA, ELDAN QOLISHMA, Kishi manamalikka berilmalik, ammo kamtar bulaman deb uzi juda «erga urib» ham jubor-maslikka, xama qatori bulib yurishga dayvat etuvchi bu makolning kuyidagi variantlari ham bor: «Erdan oshmoq — bor, eldan oshmoq iyy», «Qozikning boishi bulma — tuxumok yarsan, Uchi bulma — erga kirarsan, Urtasi bul — kurnib turarsan», «Oshgan bulsang — osarlar, Yuvo bulsang — bosarlar, Urti bulsang — el ogasi yarsalar», — Otam... qozikning uchi ham bulma, boishi ham bulma, urtasi bul, uchi bulsang erga kirarsan boishi bulsang tuxumok yarsan, deganlar» (A.Қаҳор, Синчалек).